

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 214 (736), 2022 йил 19 октябрь, чоршанба



ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2045 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН БОШ РЕЖАСИ ЛОЙИХАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

АГРАР СОҲАДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Президент Шавкат Мирзиёев 18 октябрь кuni аграр соҳада йил якунигача қутилаётган натижалар ва келгуси йилдаги вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Уч йил аввал мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилиниб, катта ислохотлар бошланган эди. Натижада мева-сабзавот экспорти 1,7 баравар ошиб, 1,1 миллиард долларни ташкил этди. Ҳаллачиликда бозор механизмларига ўтилгани натижасида фермерлар даромади 2 бараварга ошди. Аҳолига ерларни бўлиб бериш ҳисобига бу йил қўшимча 1 миллион тоннадан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилди.

Иқлим ўзгариши ва жаҳондаги мураккаб вазият сабабли озиқ-овқат хавфсизлиги асосий масалага айланмоқда. Дунёда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи ошиши кутилмоқда. Бундай вазиятда, аввало, аҳоли талабини қондириш ҳамда экспорт имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш керак.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги вазири бу борадаги режалар ҳақида ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги долзарб вазифаларни кўрсатиб ўтди.

— Қишлоқ хўжалиги масаласини алоҳида эътиборга олиб, тез-тез муҳокама қилиб бораётганимиз бежиз эмас. Чунки бу иқтисодий тизимнинг тўртдан бир қисмини ташкил қиладиган муҳим соҳа. Бунинг замирида халқимиз фаровонлиги, нарх-наво барқарорлиги, қанча иш ўринлари ётибди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Аввало, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиб, ҳосилдорликни ошириш масаласи кўрилади. Фермерларга тупроқнинг таркибини аниқлаш, уруғ-қўланлаш, экинни суғориш ва зараркунданлардан ҳимоялашда кўмаклашиш кераклиги таъкидланди.

Шу мақсадда 200 минг гектар майдонни лазерли текислаш тақлифи маъқулланди. Бунда ҳосилдорлик ошган майдонлар учун субсидия ажратилади, лазерли текислаш ускунасини сотиб олган фермерлар харажати қоплаб берилди.

Хорижий компаниялар билан ҳамкорликда худудларда сув ресурсларини

самарали бошқариш лойиҳаларини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Деҳқончилик учун ер ва сув каби энг зарур манбалардан бири бу маблағ. Фермер хўжалиқларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, кредит ва субсидия олишни енгиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Яна бир муҳим йўналиш мева-сабзавотларни чуқур қайта ишлаш. Лекин ҳозирча бу борадаги кўрсаткич паст. Боғ ва узумзорларнинг 20 фоизиди, сабзавот майдонларининг атиги 7 фоизиди интенсив усул жорий қилинган.

Шу боис, озиқ-овқат саноатида 2 минг 163 та лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг натижасида 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари импорти қисқариб, экспорт имконияти очилади. 37 мингдан зиёд киши иш билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари мева-сабзавотларни чуқур қайта ишлаш орқали қўшилган қийматни бемалол 3-4 бараварга ошириш мумкинлигини таъкидлади. Мирзабод, Денов, Паркент, Ўрта Чирчиқ, Урганч ва Қува туманларида шунга ихтисослашган озиқ-овқат саноат парклари ташкил қилиш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш масаласига алоҳида тўхталди.

— Рақамлаштириш бўлмаса, соҳада ҳаққоний статистика бўлмайди. Тўғри маълумот бўлмагач, агрохизматлар ривожланмайди, фермерлар қачон нима экса, кўпроқ даромад олишини билмайди. Шунинг учун бу жараённи тезлаштириш керак, — деди давлат раҳбари.

Шу йил охиригача 3 та, келгуси йилда 4 та лойиҳани якунлаб, ер ҳисоби, субсидия ажратиш, экин майдонларини мониторинг қилишни тўлиқ рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Умуман, келгуси йилда соҳада 600 мингта иш ўрни яратиш ҳамда экспортни 2 миллиард долларга етказиш мақсади белгиланди.

Президент Шавкат Мирзиёев 18 октябрь кuni “ТошкентбошпланЛИТИ” давлат унитар корхонасига бориб, Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган Бош режаси лойиҳаси билан танишди.

— Тошкент — азим пойтахтимиз, мамлакатимизнинг энг катта шаҳри. Беш йилда инвестицияга, тадбиркорларга шароит яратдик, янги уйлар, замонавий иншоотлар қурилди. Бу ҳам керак. Энди келажакни ўйлаб, стратегияни аниқ белгилаб олмасак, ўн йилдан кейин шаҳарда яшаш қийин бўлиб қетади. Қўшимча босимни инфратузилма кўтармайди. Энди хато қилишга ҳақимиз йўқ. Халқ учун яратилиши керак бўлган қулайликларни ҳисобга олиб, лойиҳани 50 йил олдин тўғри қилмасак, шаҳарнинг архитектураси ҳам, иқтисодий ҳам, экологияси ҳам бўлмайди, — деди Президент.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг худуди 43 минг гектар, аҳоли сони 3 миллионга яқинлашган. Инфратузилма тармоқларига юклама ортган. Транспортлар ҳам кун сайин кўпайиб, йўл ҳаракати қийинлашиб бормоқда. Чанг, тутун экологияга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис, Президентимиз бу масалани алоҳида эътиборга олиб, пойтахтнинг меъморий кўёфасини сақлаб қолиш, келгусидаги қурилишларни шаҳар ташқарисидида амалга ошириш вазифасини қўйганди. Хусусан, утган йили “Янги Ўзбекистон” боғининг очилиш маросимида ҳамда тошкентлик сайловчилар билан

учрашувда бу борада концепция тайёрланаётгани айтилган эди.

Пойтахтимиз келажак билан боғлиқ бўлгани учун бу масалага жиддий ва пухта ёндашилди. “ТошкентбошпланЛИТИ” корхонасида чет эллик ва маҳаллий лойиҳачилар икки йил давомида ишлади. Аҳолининг ўсиши, транспорт ва муҳандислик тармоқлари, иқлим ўзгаришлари таҳлил қилиниб, шу асосида транспорт туннелари ва аҳоли пунктларини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди.

Ташриф чоғида Президентимизга мазкур стратегия ҳақида ахборот берилди.

Кўзда тутилаётган ишлардан бири шуки, Тошкент шаҳри кадастри рақамлаштирилиб, худудларнинг тоифаси очиқ-ошқора қайд этиб қўйилади. Аҳоли ўз маҳалласи ёки тадбиркорлар бизнес очмоқчи бўлган ерининг қандай худудда жойлашганини интернет орқали бемалол кўриши мумкин бўлади.

Тирбандлик муаммосини ҳал этиш учун жамоат транспорти қулайлаштирилади. Бунинг учун аҳоли уйдан 15 дақиқа пийда юрадиган масофада бекат бўлиши талаб этилади. Шунингдек, “Park and ride” тамойили асосида, шаҳар чеккаларида автотураргоҳлар

ташкил этилиб, жамоат транспорти бекатлари билан боғланади.

Яна бир муҳим чора — биноларга ижтимоий талаблар белгилаш. Масалан, шаҳар ичида кўп қаватли иншоот қурилгудек бўлса, унинг турига қараб, мактаб, боғча, маиший хизмат, автотураргоҳ ўрни, кўкаламзорлаштириш майдони каби меъёрлар қўйилади.

Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган Бош режаси лойиҳаси “Янги Тошкент” концепцияси билан мутаносиб тайёрланган. Бу янги шаҳар пойтахтимизнинг шарқий қисмида, Чирчиқ ва Қорасув дарёлари оралиғида барпо этилади. 500 минг аҳолига мўлжалланган бўлади.

Шундан келиб чиқиб, истиқболли ривожланиш ва қурилиш худудлари, янги шаҳар билан пойтахтни бирлаштирувчи асосий йўллар схемалари ишлаб чиқилган. Биринчи босқичда 6 минг гектарда бунёдкорлик қилиш режалаштирилган.

Глобал исиш кузатилаётган бугунги дунёда яшиллик жуда муҳим. Ҳозирда Тошкент шаҳрида 7 минг гектар яшил майдонлар мавжуд. Президентимиз илгари сурган “Яшил макон” умум-миллий лойиҳасидан келиб чиқиб, Бош режа лойиҳасида бунга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, катта ҳалқа йўли атрофида “яшил камар”

яратиш, шаҳардан ўтган каналлар бўйида тематик боғлар ташкил этиш кўзда тутилган. Умуман, пойтахтимизда яшил худудларни 25 минг гектарга етказиш мақсад қилинган.

— Шаҳарни ривожлантириш бўйича бу стратегиямизни дунёдаги етук мутахассислар ҳам маъқуллади. Энди ҳар бир жой бўйича халқ фикрини олиб, аҳл билан, сифатли қуриш керак. Бу янги шаҳар халқимизга муносиб, иқлимимизга мос, замонавий бўлиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу улкан лойиҳага ёш мутахассисларни жалб этиб, тажрибасини шакллантириш, туман ва шаҳарлар архитектурасини мутаносиб ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Шу боис, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Наманган каби бошқа шаҳарларимизда ҳам лойиҳалаштириш марказлари очил бўйича кўрсатма берилди.

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейини реконструкция қилиш, Сурхондарё вилояти Денов тумани марказининг архитектурани қиёфасини замонавийлаштириш лойиҳалари ҳам тақдимот қилинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

МУНОСАБАТ

“МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИ” ТИЗИМИ

МУАММОЛАРГА ЖОЙИДА ВА ВАҚТИДА ЕЧИМ ТОПИШ УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Маҳалла ривожланса, жамият ривожланади. Юртимизда ушбу тамойил асосида амалга оширилаётган ишлар самараси бугун маҳаллаларда яшовчи ҳар бир инсон ҳаётида акс этяпти, десак муболаға бўлмайди. Яъни

Президентимизнинг “Ислохотлар натижасини одамлар ўз ҳаётида, маҳалласида сезсин”, деган сузлари амалда ўз аксини топмоқда.

Давоми 2-бетда

СЎЛИМ ГЎШАЛАР

Поп туманининг бепоён далаларга туташ йўлларида ўтарканмиз, ер ёнғоқ ҳосилини йиғиб олаётган деҳқонларга кўзимиз тушди. Туман марказидан етти километр олисда, қир-адирлар орасида Уйғурсой шаҳарчаси жойлашган. У ерга кимсасиз ва айдоқ тепаликлар орқали кириб борганимизда чошгоҳ маҳали эди. Кўпчилик ўқишда, ишда. Соқинлик ва байрам шукӯҳи ҳукмрон, шодиёна белгиси — турфа ранг байроқлар хилпираб турибди. Бизни 2-умумтаълим мактаби директори Бекзод Холтўраев кутиб олди, йўл-йўлакай саволларимизга жавоб бериб, шаҳарча ҳақида кўплаб маълумотларни айтиб ўтди.

УЙЎУРСОЙГА ЖЎШҚИН ҲАЁТ ҚАЙТДИ

ёхуд кўнгилларга кўчган эзгулик тараннуми

Шаҳарча билан танишишни дастлаб кўрам иншоот — Маънавият ва маърифат масканидан бошладик. 1948 йилда қурилган, бир даврлар файзли бўлган, бироқ кейинчалик ўз ҳолига ташлаб қўйилган Маданият уйи бугун мукамал таъмирланиб, муҳташамлик касб этган. Биринчи қаватдаги фаоллар зали замонавий мебель-жиҳозлар билан таъминланган, курган кўзни қамаштиради. Юқорида эса барча шароитларга эга мўъжаз кутубхона, робототехника, хорижий тилларни ўрганиш, IT ўқув

курслари, “Coworking” хоналари жойлашган. Ахборот-ресурс маркази мудири Гулноза Норматова янги кутубхона 2 минг китоб фондига эгаллигини, бадийий ва ҳуқуқий-сиёсий адабиётлар, газета-журналлар тахлами, аъзолар сони кундан-кун ортаётганини ва АРМ интернет тармоғига уланганини билдирди. Фойеда ички ишлар вазирилик департаменти масъул ходимини учратдик.

Давоми 4-бетда

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

ЕР ИСЛОҲОТИ: КАТТА ҚУВВАТ ЮКИ ВА ЭГАЛИК ҲИССИ — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ



Иқлим ўзгаришлари, қўллашиш, сув танқислиги каби глобал муаммолар туфайли аксарият давлатларда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси тобора кучайиб бормоқда. Бунинг жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камиди 20 фоиз ўсиши прогнози қилинаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Озиқ-овқат ва ўз навбатида, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш қишлоқ хўжалиги соҳасига катта қувват юклайди. Чунки маҳсулот қанча кўп етиштирилса, нарх-наво шунча барқарор бўлади.



Шу боис, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида юқори ҳосилдорликка эришиш, бу борада аҳоли томорқаларидан тортиб, фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни қайта оборотга киритиш, қишлоқ

хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ



ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ — АМАЛДА

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ — АҲОЛИ КЎМАКЧИСИ

“МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИ” ТИЗИМИ

МУАММОЛАРГА ЖОЙИДА ВА ВАҚТИДА ЕЧИМ ТОПИШ УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 11 октябрь кунги маҳаллалари обод қилиш ва аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш бўйича устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам ушбу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб, “Ҳеч бир фуқаро ўзининг муаммолари билан ёлғиз қолмаслиги керак. Аҳоли қайфияти бу — ислохотларимиз ва сиёсатимизнинг кўзгуси. Катта-кичикми, одамлар айтган ҳар бир муаммога ўз вақтида муносабат билдириш, уларни босқичма-босқич ҳал қилиш барча даражадаги раҳбарларнинг энг устувор вазифаси бўлиши шарт”, дея таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда 9 минг 370 маҳалла мавжуд. Президентимиз ташаббуси ва топишига биноан шакллантирилган дафтарлар мазкур маҳаллалар қаторида, оилалар, одамларни шахсан қийнаётган муаммоларни ўрганишида айни муддао бўлмоқда. “Ташаббуси бюджет” лойиҳасининг амалга киритилиши эса маҳаллалар қиёфасини янада яхшилашда қўл келмоқда. Жорий йилнинг иккинчи ярмида бу лойиҳада 9 минг 201 (98 фоиз) маҳалла иштирок этиб, овоз бериш якунларига қўра, 1 минг 221 маҳалладаги 1 минг 418 та лойиҳа ғолиб деб топилди. Улар учун жами 1 триллион сўм маблағ ўтказиб берилгани шундан далolat беради.

Албатта, муаммони шу ҳудудда яшайдиган инсон яхши билади. Чунки у бунга ҳар кун дуч келади. Лекин ҳал қилишда қўли калтали қилиши мумкин. Қисқаси, имконияти етмайди. Нима қилиш керак? Йиғилишда Президентимиз бунинг ҳам ечимини топиб берди. Яъни ҳар бир маҳалла ўз муаммосини мустақил ҳал этиши учун келгуси йилдан “Маҳалла бюджет” тизими жорий этилишини айтди. Бу одамларга ҳам, тизимга ҳам ҳақиқий янгилик бўлди. Янгиликки, илгари кузатилмаган, янгиликки, муаммоларни тезкор ҳал этадиган.

Яъни келгуси йил 1 январдан бошлаб ҳар бир вилоятнинг биттадан туманида тажриба тариқасида аҳолининг мол-мулк ва ер солиғини ундириш маҳалланинг ўзига ўтказилади. Ҳар йили 1 февралга қадар эса ҳокимлар маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчилари билан

бирга маҳалла бюджети ҳисобидан ҳал қилинадиган лойиҳалар рўйхатини туман кенгашига тасдиқлаш учун киритади. Шундай қилиб, йил бошида тажриба қилинган ушбу иш услуби йил якунига қадар барча ҳудудларда жорий этилади. “Маҳалла бюджети” даги маблағни аниқ мақсадли ва шу маҳалла манфаатига боғлиқ лойиҳаларга сарфлаш маҳалланинг ўзига боғлиқ.

Умуман, жорий йилги дастурлар доирасида 4100 та маҳаллани обод қилиш, бочча, мактаб, соғлиқни сақлаш, сув, электр, каналзация билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш учун бюджетдан қарийб 29 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Натижада 434 та маҳалланинг ички йўллари таъмирланди. 672 маҳаллага ичимлик сув тармоғи тортилиб, 1,5 миллион аҳоли илк бор тазчи ичимлик сув билан таъминланди. Шунингдек, бу йил 2 мингдан ортиқ маҳаллага хизмат қилаётган 34 та янги мактаб ишга туширилди, 338 таси реконструкция қилиниб, 360 таси таъмирдан чиқарилди.

“Ташаббуси бюджет” лойиҳаси доирасида 38 мингта лойиҳага 8 миллион аҳоли овоз берди. Овоз бериш якунларига қўра, 1418 та лойиҳа ғолиб деб топилди, улар учун жами 1 триллион сўм маблағ ўтказиб берилди.

Эндиликда ҳар бир маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш имконияти янада кенгайди. Яъни қўчаларни таъмирлаш, ободонлаштириш, ижтимоий соҳа объектиларини, коммуникция тармоқларини янгилаш ёки янгидан тармоққа уланиш жараёнлари навбарларси амалга оширилади.

Айтиш жоизки, шакллантирилётган “Маҳалла бюджети” тизими ҳудудларни обод қилиш, одамлар турмуш даражасини яхшилаш шахсан давлатимиз раҳбари эътиборида ва бу борадаги ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилишидан далolatдир.

Мирзаанвар ТҶИЧИЕВ, Махаллабай ишлар ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги бошқарма бошлиғи

Жорий йил бошида ушбу муаммога ечим излаб юрган тадбиркорнинг эшиги тақиллаб, ўзини ҳоким ёрдамчиси, дея таништирган ёшгина йигит кириб келди. У Умар ақадан иш фаолияти, муаммолари ҳақида сўраганида имтиёзли кредит олишда кўмак беришса, тармоқни янада кенгайтириш эҳтиёжи борлигини айтди. Буни қарангки, қисқа вақтда банктан Умар ақанинг ҳужжатларини сўраб қолишди. Тез орада кредит ҳам берилди. Имтиёзли маблағдан унумли фойдаланиш мақсадида ширинликлар тайёрлашда қўлланадиган ускуналар сотиб олди.

— Турмуш ўртоғим ҳамда фарзандларим билан бирга анча йилдан буён иш иш билан шуғулланиб келардик, — дейди Косон туманидаги “Нартичқур” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган оилавий корхона раҳбари Умар Давронов. — Лекин шароитимиз чеклангани учун иш қўлами, маҳсулотлар тури ҳам шунга яраша эди. Шу йил ҳоким ёрдамчиси кўмағида катта ишни бошлаб юбордик. Дастлаб, оилавий корхона ташкил этиб, банктан имтиёзли маблағ олдик ва имкониятларимизни кенгайтиришга эришдик. Шунингдек, 15 хотин-қизни иш билан таъминлаб, уларга касб-хунар ўргатдик. Бугун уларнинг айримлари ўз ҳудудларида тадбиркорликни бошлаб юборди.

Шу йил якунига қадар туман марказида дўкон ва янги цехни ишга туширмоқчимиз. Натижада қўшимча иш ўрни яратилади. Ҳозирда ойма 30 миллион сўмга яқин соф фойда олаётган бўлсақ, бу кўрсаткич келгусида икки баробарга ортади.

“ШУ ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР ТУМАН МАРКАЗИДА ДҶОҒОН ВА ЯНГИ ЦЕХНИ ИШГА ТУШИРМОҚЧИМИЗ. НАТИЖАДА ҚҶШИМЧА ИШ ҶРНИ ЯРАТИЛАДИ. ҲОЗИРДА ОЙИГА 30 МИЛЛИОН СҶМГА ЯҚИН СОФ ФОЙДА ОЛАЭТГАН БҶЛСАК, БУ КҶРСАТКИЧ КЕЛГҶСИДА ИККИ БАРОБАРГА ОРТАДИ.”



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ОДДИЙ ҚИШЛОҚ АЁЛИ ТАДБИРКОРГА АЙЛАНДИ

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилоётган ислохотлар оилалар тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилларидан биридир. Эътиборлиси, кейинги йилларда уй юмушлари, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда тадбиркорликнинг турли йўналишларида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар сафи сезиларли равишда кенгайиб бормоқда.

Бағдод туманидаги “Матқулбод” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган уй бекаси Гулбахор Усмонова ана шундай ташаббускор тадбиркорлардан. Унинг сай-ҳаракати билан ташкил этилган “Гулнора Матқулбод бодомлари” ишлаб чиқариш кооперациясига асос солинганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шу қисқа вақтда “Матқулбод”, “Чек сарой”, “Юксалиш”, “Бордон”, “Чектуводоқ”, “Қирқволида”, “Чек хитой” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги беш юздан зиёд хотин-қизлар бандлиги таъминланди. Эндиликда аксарият аёллар оиласи, фарзанд тарбияси, ҳўжалик ишларидан ажралмаган ҳолда уй шароитида қўшимча даромад топиш имкониятига эга бўлди.

деҳдон ҳўжалиқларидан улгуржи нарҳларда бодом харид қилиб, кооперация аъзоларига тарқатиб берамиз. Қайта ишланган маҳсулотни яна ўзимиз харид қилиб оламиз. Масалан, бир аёл бир кунда ўрта ҳисобда 100-150 минг сўмга маҳсулот тайёрлай олади. Бундан ташқари, иш стажига эга бўлади. Савдо расталарини безаб турган сархил бодомлар қироили кўринишга келишга ўзига хос йўлни босиб ўтади. Авваллари битта оила бир кунда ўрта ҳисобда 10-15 килограмм атрофида маҳсулотни қайта ишлаган бўлса, эндиликда бу борадаги кўрсаткич салмоғи 100 килограммдан ошди.



Кооперация туфайли хотин-қизлар учун узлуқсиз иш занжири яратилди. Лойиҳа ташаббускори Гулбахор Усмонова хотин-қизлар тадбиркорлиги йўналиши бўйича ўтказилган кўриқтанловнинг туман босқичида “Энг намунали иш берувчи аёл” номинацияси ғолиби бўлди. Бир қараганда оддий бўлиб кўринган юмушлар кишидан чаққонлик, синчковлик, сабр-бардошни талаб этади. Бир килограмм бодом истеъмолчиға етиб боргунча беш марта қўлдан-қўлга ўтиб, сайқалананди. Аини кунда кооперация аъзолари сай-ҳаракати билан ҳар ойда 40 тоннадан ортиқ бодом меваси қайта ишланмоқда. — Маҳалламизда ишсиз, бекор қолган аёллар йўқ ҳисоби, — дейди маҳалла хотин-қизлар фаоли раиси Мавжуда Юнусалиева. — Йил бошида ўтказилган таҳлилларимизга қўра, 40 дан

ортиқ хотин-қиз ишсиз сифатида рўйхатга олинганди. Аини кунда уларнинг барчаси даромадли ишларга жалб этилди. Хусусан, 26 нафари “Гулнора Матқулбод бодомлари” аёллар ишлаб чиқариш кооперацияси аъзоси бўлди, 12 нафарига савзавотчилик йўналишида экин майдонлари ажратиб берилди. Қолганлар ўз имкониятидан келиб чиқиб, тикувчилик йўналишида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. “Уста-шоғир” аънъанаси асосида хотин-қизларни касб-хунарга тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам яхши самара бермоқда. Исмигул Даминова ишсизлиги боис, “Ёшлар дафтари”га киритилган. Унга кооперацияга аъзо бўлиш таклифи берилди. Яшаш хонадонига яқин жойда ташкил этилган янги тизим унинг ҳаётига ўзига хос ўзгаришлар олиб кирди. Корхонада ишлаб, тажриба тўплади,

янги ускуналар сотиб олиб, устозлар кўмағида оилавий бизнесини йўлга қўйди. Муқим иш жой, фойдали меҳнат билан андармон бўлган маҳаллада тинчлик-тотувлик, ҳамжихатлик бор. Кейинги икки йилда 5 мингта яқин аҳоли истиқомат қилаётган қўхна масканда ажрашиш, жиноятчилик билан боғлиқ салбий ҳолатлар қайд этилмади. — Фаолият самарадорлигини оширишда хомашёнинг ўрни жууда муҳим, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Долимонжон Бозоров. — Хомашё қанчалек кўп бўлса, иш ўринлари ҳам ортиб бораверади. Бу масалда туман мутасаддиларига ўз таклифларимизни бердик. Эндиликда аҳоли томонидан бодом қўчатчилигини йўлга қўйиш, ҳудуд клими ва ер шароитига мос бўлган янги навларни маҳаллийлаштириш, икки гектар ерда интенсив усулда бодомзорлар

олди. Набираларим ўқимокда. Барчаси ҳалол меҳнат ортдан.

Киши ҳавасини ортирадиган бу иссиқхона кўздан кечирар эканмиз, цитрус дарахтлар — лимон, эрон хурмоси, мандарин, ҳатто банан етиштирялпти. Қолган иссиқхоналар эса қишқи мавсумда кўчат экиш учун ҳозирланмоқда. Асосан уруғдан ниҳол ундирилиб, савдога чиқарила экан.

— Маҳалламизда 4000 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди Темур Эргашов. — Уларнинг мингдан ортигини ёшлар ташкил этади. Худудимизда ишсизлар сони деярли йўқ. Босиш, бу ерда кўпчилик томорқадан фойдаланиш маданиятини яхши ўзлаштирган. Хоҳлаган хонадонга кириб қўрсангиз, икки сотих бўлса ҳам иссиқхона ташкил этган. Умуман, бирор қарич бўш турган ерни тополмайсиз. Уларнинг оилавий тадбиркорлигини ривожлантиришга доимо ёрдам бериб келямиз. Хусусан, жорий йил бошидан буён ишини ривожлантириш истағида кредит сўраб муурожаат қилган 51 фуқарога 785 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Дарҳақиқат, бугун маҳаллада бекор юрган кишини учратиш мушкул. Аиниқса, ҳудудда хотин-қизлар бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилган.

— Маҳалламизда ҳамма иш билан таъминланган, — дейди “Нартичқур” МФЙ хотин-қизлар фаоли Дилдора Боймуродова. — Мақтаниш бўлмасин-у, оилавий ажримлар кам. Хонадонларимиз тинч, аҳил. Ҳар қандай салбий иш бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис, иш сўраб келган хотин-қизларимизга кўмаклашамиз, уларга иш топишга ҳаракат қиламиз. Қўшни маҳалламизда иккита йирик тикув фабрикаси мавжуд. Уларнинг раҳбарлари ҳам икмон даражасида иш билан таъминлашга кўмак беради. Ҳоким ёрдамчиси бу борада яқин кўмачки, доим уларнинг ҳол-аҳолидан хабардор бўлиб боради.

Ушбу маҳалла одамларининг ҳаёти, меҳнатини кузатар экансиз, улардаги ҳалол меҳнат, ҳамжихатлики, энг муҳими, доим бир-бирига кўмаклашишга тайёрлигини кўриб қувонасиз. Муомалаю муносабатларига гувоҳ бўлиб, тафаккурдаги эврилишларни илғайсиз. Ҳоким ёрдамчисининг том маънодаги маҳалла кўмакчисига айланаётгани қувонарди. Буларнинг бари аҳолининг иш билан таъминланаётгани, ҳалол меҳнат билан даромад топаётгани, энг асосийси, уларнинг ўзгаришлардан манмуниликда, фаровон турмуш сари интилишида намоён бўлмоқда.

Ақбар РАҶМОҶОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАШКИЛ ҚИЛИШ БОРАСИДА ИШ ОЛИБ БОРЯПМИЗ.

Тадбиркорнинг кичик ҳовлиси ишлаб чиқариш майдонини эслатади. Турли ўлчамли қопларга жойланган бодомлар дастлабки ишлов, яъни пўчоғидан тозаланганча, кооперация аъзоларига пешманеш етказиб берилмоқда.

— Ҳозирги кундаги ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий ҳолати инобатга олиниб, хунармандлик, томорқачилик, чорвачилик ва бошқа кичик ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятини кенгайтириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратаямиз, — дейди туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Тўлқиноди Тожиева. — Шу мақсадда туманимиздаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида хунармандлик йўналишларида ишлаш истағида бўлган хотин-қизлар учун қисқа мудатли ўқув-курслари ташкил этилди. Шу кунга қадар мазкур йўналишда 270 дан зиёд аёл ўқитилиб, уларга маҳсул сертификати берилди.

Фақат бугина эмас. Маҳалла фуқаролар йиғинидаги 35 минг 344 та хонадонда истиқомат қилаётган 38 минг 153 хотин-қиз хатловдан ўтказилди. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг эҳтиёмжандлик даражасидан келиб чиқиб амалий ёрдам бериш мақсадида “Индивидуал анкета” юристиликда. Унда кимга, қачон ва қандай ёрдам бериш бўйича аниқ манзилли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Натижада чечка ҳудудларда ҳам замонавий ва илҳам ишлаб чиқариш тармоқлари фаолияти йўлга қўйилаётгани одамлар узоғини яқин, оғирини енгил қилаяпти.

Мухтасар қилиб айтганда, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилоётган истиқболли лойиҳалар, яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар аҳоли фаровонлигини ошириш билан бирга, янги ташаббусларга қанот бўлмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири. Шерзод Қорабоев олган суратлар.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Бошланиши 1-бетда

Масалан, охири йилларда ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва галла майдонлари урнига мева-сабзавот ва озуқа

эга. Бу 2021 йил 1 январдан бошлаб ер тури, контури, чегараси ва ҳуқуқ эгалари ҳақидаги барча маълумотлар Кадастр агентлигининг онлайн геопорталига киритилиши ҳақидаги мажбуриятдир. Онлайн

экинлар ва сабзавотчиликка 6 ойгача имтиёзли давр билан 2 йилгача муддатга, шунингдек, ҳоким ёрдамчиларининг ёзма тавсиясига асосан ажратилиши белгилаб қўйилган.

“ ПАХТА ВА ГАЛЛАДАН ҚИСКАРТИРИЛГАН ПАСТ ҲОСИЛЛИ 200 МИНГ ГЕКТАР ЕРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЗАХИРАГА ҚАЙТАРИШ ВА УЛАРНИ 0,1-1 ГЕКТАР ЎЛЧАМЛАРДА ОЧИҚ ЭЛЕКТРОН ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ОРҚАЛИ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ТАШКИЛ ЭТГАН ҲОЛДА, САБЗАВОТЧИЛИК, ПОЛИЗ, ДУККАКЛИ ВА МОЙЛИ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШ УЧУН ФУҚАРОЛАРГА 10 ЙИЛГА ИЖАРАГА БЕРИШ БЕЛГИЛАНДИ.



ЕР ИСЛОҲОТИ: КАТТА ҚУВВАТ ЮКИ ВА ЭГАЛИК ҚИССИ — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

экинларини етиштиришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилляпти. Аҳамиятлиси, ушбу саяё-ҳаракатлар иқтисодий самарадорлиги билан тўлиқ ўзини оқламақда. Хусусан, жорий йил бошида 80 минг гектар пахта ва галла майдони қисқартирилиб, бошқа маҳсулотлар етиштириш учун аҳолига ажратиб берилган эди. Натижада 785 минг киши иш билан таъминланиб, 3 триллион сўмлик 1 миллион 500 минг тонна қўшимча озиқ-овқат ҳосили олинди.

Маълумотларга кўра, деҳқонлар 1 гектар ердан фермерларга нисбатан ўртача 5 баробар кўп маҳсулот етиштиради. Мана шунинг ўзидек ер ислоҳоти нақадар самарали эканини тасдиқлайди.

Демак, экин ерларини аҳолининг кенг қатламларига кичик оилавий деҳқон хўжалиги юритиш учун тақсимлаб бериш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш имконияти катта.

Ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди

Юртимизда ерга бўлган муносабатлардаги сезиларли ўзгариш 2017 йилдан кейин бошланди. 2019 йилдан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерга хусусий мулкчилик жорий этилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ерга бўлган муносабатларга тааллуқли қатор ваколатлари бекор қилинди. Ердан фойдаланиш соҳасини рақамлаштириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ҳуқуқий асос мустаҳкамланаётгани катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ушбу йўналишдаги ишлар ривожига қаратилган устувор вазифалар белгилангани билан аҳамиятли бўлди.

Унга мувофиқ, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинлари мониторингини юритиш, муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини йўлга қўйиш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга доир вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилди.

Фармон билан Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси негизига Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридagi Кадастр агентлиги ташкил этилди.

2020 йил 1 октябрдан бошлаб ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлишини назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимига давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга кириши белгиланди.

Фармонда яна бир муҳим масала ечими кўрсатиб ўтилгани катта амалий аҳамиятга

эоопортал Миллий геохоборот тизимига интеграция қилиниб, ер баланси ва унинг ҳисоботи, туман (шаҳар) ер кадастри дафтари фақат Миллий геохоборот тизимига юритилди.

Президентимизнинг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам ер ислоҳотларини амалга оширишни назарда тутувчи навбатдаги муҳим ҳужжат бўлди. Унда асосий эътибор аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолига аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликларини улушини ошириш ва қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилди.

Қарорга мувофиқ, пахта ва галладан қисқартирилган паст ҳосилли 200 минг гектар ерни босқичма-босқич захирага қайтариш ва уларни 0,1-1 гектар ўлчамларда очик электрон танлов ўтказиш орқали деҳқон хўжаликларини ташкил этган ҳолда, сабзавотчилик, полиз, дуккакли ва мойли экинлар етиштириш учун фуқароларга 10 йилга ижарага бериш белгиланди.

Бунда ижарага бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва келиши ишлари “E-IJARA” ахборот тизими, очик электрон танлов ўтказиш “E-AUKSION” орқали амалга оширилиши белгиланди.

Яна бир жиҳати, ушбу танловлар ўтказилишида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда яхши натижаларга эришган, ушбу соҳада таянч мутахассисликка эга бўлган фуқаролар, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” да рўйхатда турган эхтиёжманд оилаларга алоҳида устуворлик берилмоқда.

Ушбу кредитлар кичик интенсив боғдорчилик ва узумчилик учун 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилдан кўп бўлмаган муддатга, полиз, дуккакли, мойли

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарорнинг қабул қилиниши ишсизликнинг олдини олиш, мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда айна мударо бўлди.

Президентимизнинг жорий йил 28 майдаги тарихий қарори билан эса галлада давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтиш, галлачилик кластерлари ва фермерларга бугдойни бозор нархида тўлиқ эркин сотиш ҳуқуқи берилди.

Қарор билан давлат ресурслари учун сотиб олинadиган 1 тонна бугдой нархи ўтган йилдаги 1 миллион 550 минг сўмдан 2022 йил ҳосили учун 3 миллион сўмга, яъни 2 баробар оширилди. Бу қишлоқ хў-

Озарбайжон тажрибаси нимаси билан муҳим?

Юртимиз аграр тармогини ривожлантириш борасидаги ишлар аҳамиятидан келиб чиқиб, Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти мутахассислари Озарбайжондаги ер ислоҳотларини ўрганиб чиқди.

— Бу бежиз эмас, чунки Ўзбекистон ҳам, Озарбайжон ҳам ўз мустақиллигини деярли бир вақтда қўлга киритган, — дейди институт лойиҳа раҳбари Зулфия Костюченко. — Шу боис, улардаги шарт-шароит, иқтисодий ва институционал муаммолар ўхшаш. Бироқ қардош давлатдаги ер ислоҳот-

майдонлари хусусийлаштирилди. Натижада 3,5 миллиондан ортиқ фуқаро ер эгасига айланди. 2004 йилда ер олиш ҳуқуқига эга оилаларнинг 98,1 фоизи ўз ерига эга бўлди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 1996 йилдан бошлаб барқарор ўса бошлади. Усиш йилгига ўртача 8,4 фоизни ташкил этди.

2004 йилдан эса ер ислоҳотларининг иккинчи босқичи бошланди. Унда асосий эътибор ер ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилди. Шу мақсадда Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси, Ер инспекцияси ташкил этилди, давлат дастурларини амалга ошириш учун халқаро донорлар кенг жалб қилинди. Бундан ташқари, ер участкаларини давлат эхтиёжи учун олиб қўйишнинг

улардан оқилона фойдаланиш ҳақида гап борар экан, бу борада, айниқса, Тараққиёт стратегиясида қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш, қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва сўғурталанишнинг янги механизмларини йўлга қўйиш, шунингдек, тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш каби муҳим масалалар белгиланганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Тараққиёт стратегияси ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳасида тармоқни тубдан янгилаш ва ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижадорлигини таъминлаш муҳим. Бунда барча соҳа ва тармоқлар ривожига муҳим омили ҳисобланувчи тахлил зарур бўлади. Тахлил эса, ўз навбатида, халқаро талабларга жавоб берадиган ҳисоб-китоблар тизими, статистик маълумотлар базаси бўлишини тақозо этади. Шу маънода, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг тавсиясига биноан жаҳон агросекторига мунтазам ўтказиб келинадиган рўйхатга олиш тадбирлари муҳим аҳамият эга.

Афсуски, мустақиллик йилларида мамлакатимиз аграр секторига бундай тадбир умуман амалга оширилмаган. Демак, 2024 йилда ўтказилиши кутилётган ана шундай тадбир биринчиси ва ўз навбатида, ер ислоҳотларининг мантиқий давоми бўлади.

Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ва давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 26 февралдаги қарорига биноан, 2024 йилда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларини йўлга қўйиш белгиланган.

Хўш, бу тадбир қайси устувор жиҳатлари билан аҳамиятли? Аввало, рўйхатдан ўтказиш ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик бўйича аниқ бир вақтда, қишлоқ хўжалиги ер майдонлари ўлчамлари, чорва моллари ва паррандалар сонини таъминлаш бўйича аниқ бир вақтда, қишлоқ хўжалиги ер майдонлари ўлчамлари, чорва моллари ва паррандалар сонини таъминлаш бўйича аниқ бир вақтда, қишлоқ хўжалиги ер майдонлари ўлчамлари, чорва моллари ва паррандалар сонини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, тармоқ инфратузилмасини ривожлантириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларни жойлаштириш бўйича дастурларни тайёрлаш учун ишончли замин яратилади.

Ернинг табиий ресурс сифатида шундай алоҳида хусусияти борки, унга тўғри муносабатда бўлинса, муҳофаза қилинса, ҳосилдорлиги доим ошиб боради. Бу аҳоли турмушини яхшилаш, кундалик эҳтиёжларини қондириш билан бирга, иқтисодий юксалишга замин яратиши билан аҳамиятлидир.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



жалиги соҳасини эркинлаштириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

лари анча олдин бошлангани туфайли ҳозирга қадар бу борада етарлиқ тажриба тўпланган. Улардаги ер ислоҳотлари биз учун шуниси билан ҳам аҳамиятли.

Озарбайжонда ер муносабатларини ислоҳ қилиш бир неча босқичда амалга оширилди. 1996-2003 йиллардаги биринчи босқич асосий бўлди. Бу даврда давлат ерларини хусусийлаштириш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширилди, 50 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди ва ислоҳотларнинг қонунчилик асослари яратилди. Ерга эгалик шаклини ўзгартириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш асосий мақсад қилиб белгиланди.

Ислоҳотларнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, ер хусусий қўлларга бепул ўтказилди. Яшаш жойидан катъи назар, барча фуқароларга ердан фойдаланиш, ижарага бериш, сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқи берилди. Дастурлар мамлакатнинг турли ҳудудларида тажриба асосида амалга оширилди.

Эски бошқарув шакллари билан тугатилиши натижасида ерга эгалик қилишнинг учта шакли яратилди: давлат ери, муниципал ер ва хусусий ер. Ерларнинг катта қисми, жумладан, экин

аниқ асослари ва мезонлари белгиланди. Ислоҳотларнинг иккинчи босқичи мамлакатда ер бозорининг нотекис бўлса-да, интенсив ривожланишини рағбатлантирди. Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида давлат ер участкаларини хусусийлаштириш жараёни давом этмоқда. Ислоҳотларнинг аввалги босқичларида жисмоний шахслар томонидан олинган, бироқ ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди ва ислоҳотларнинг қонунчилик асослари яратилди.

Ушбу чора-тадбирлар мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказишни яқунлаш, шунингдек, саноат ерлари эгаларининг мунтазам субсидиялар олиш имкониятини таъминлашга қаратилган.

Демак, ер ислоҳотлари, яъни ерларни хусусийлаштириш, узоқ муддатга ижарага бериш самарали. Буни нафақат Озарбайжон тажрибаси, балки ўзимизда юқорида қайд этилганидек, дастлабки эришилган натижалар ҳам тасдиқлайди.

Тахлил — самарадорликка эришишнинг асосий шarti

Аграр тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш ва



ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ



ДУНЁДАГИ ҚАДИМИЙ ВА БОЙ ТИЛЛАРДАН БИРИ БЎЛГАН ЎЗБЕК ТИЛИ ХАЛҚИМИЗ УЧУН МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИК ТИМСОЛИ, БЕБАҲО МАЪНАВИЙ БОЙЛИК, БУЮК ҚАДРИЯТДИР.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Бугун биз ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ва нуфузини оширишга қаратилган туб ислохотларни, янгиланаётган ва такомиллаштирилаётган қонун ҳужжатларини, амалий савий-ҳаракатларни юксак фахр билан эътироф эта оламиз, такрор-такрор таъкидлашдан чарчамаймиз. Чунончи, биргина 21 октябрь — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган санани Ўзбек тили байрами куни сифатида нишонлашнинг қонуний асослангани ҳам тилимиз манфаатларини ҳимоя қилиш, жаҳоний мартабасини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

давлатда яшаш, унинг барча ҳақ-ҳуқуқларидан тенг фойдаланувчи фуқароси бўлишнинг ўзи ҳам етарли асосдир. Шунга кўра, замонавийлик белгиси сифатида фикр ифодалашда ўзга тиллардаги сўзларни ўринли-ўринсиз қоршичириб ташлаш ҳолатларини бартараф этишга барча бирдек масъулият билан ёндашиши зарур. Зеро, ўз давлати тилига нисбатан

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ УСТУВОР ТАЯНЧИ

Сурайё ПҮЛАТОВА,
“Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси
маслаҳатчиси

Аммо қайд этиш жоизки, сўнгги вақтлардаги салмоқли ишларга қарамай, давлат тили талабларига амал қилишдаги бир қанча муаммолар унинг равангага салбий таъсир кўрсатмоқда.

Буни улуғ маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний ҳам ўз вақтида куйинчаки билан таъкидлаган: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни ўқотмак миллатнинг руҳини ўқотмакдур”. Ҳайҳот! Биз, туркистонлилар миллий тилни сақламак бир тарафда турсун, кундан-кун унутмак ва ўқотмакдадурмиш! Тилимизнинг ярмига араб, форсий улангани камлаш қўлиб, бир четига рус тилини ҳам ёпишдурмакдадурмиш... Зигир ёғи солуб ёпишдурмиш каби қўлиб, аралаш-қуралаш қилмак тилинче руҳини бузадур...”

Ҳақиқатан, баъзилар ўзаро мулоқот, сўзлашувда ёки заруратдан қатъи назар, бошқа тиллардаги сўзларни ҳам қоршичириб ташлайди.

Ҳар бир миллат вакили ўз она тилининг истеъмолчиси бўлиш билан бирга, тарғиботчиси ва ҳимоячиси ҳамдир. Шу маънода бугунги кунда масъул лавозимга тайинланадиган шахсларнинг ўзбек тилини билишига талаб қўйилган. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сийосатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, 2021 йил 1 апрелдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти бўйича билимини баҳолашнинг миллий тест тизимини асосида раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш даражасини аниқлаш ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар учун давлат тилини билиш бўйича даража сертификатларини жорий этиш белгиланди. Бу каби ҳуқуқий асос ва муносабатлар ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маъқоми оширишга хизмат қилиши табиий. Зотан, улуғ ҳинд арбоби, файласуф Махтима Ганди таъкидлаганидек, “Агар ўзингиз яшаётган давлат тилини билмас экансиз, унда сиз телбасиз ёки боқинчиз”. Демак, давлат тилини билиш, қадрлаш унун фақатгина ушбу миллат вакили бўлиш эмас, балки шу

Байрамали ҚҮЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Сўзлашиш қобилияти — мавжуд неъматлар ичда энг қимматлиси, шарафлиси. Бугун инсон эришган тараққиёт, маънавий-маданий бойликларнинг бирортасини тил иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Аристотель машҳур “Табиатга тақлид” назариясида инсониятнинг илк сўзлари табиий товушларга тақлид натижасида юзага келган, деб тушунтиради ва бу ҳолни онг билан изоҳлайди.

Аммо юқоридаги гап анчайин баҳсли. Воҳада туғилиб ўсганим учун болалик ҳаётим ҳайвонлар орасида ўтган. Отдан йиқилганимда от менга қўшилиб йнглагани, ит хурсанд ёки хафа бўлганига кўп бора гувоҳ бўлганман. Уларнинг онг даражасини икки ёшли гўдақдан паст дея олмайдим. Бироқ гўдақдан фарқи уларок, уларда бирор марта гапиришга истақ, уриниш кўрмадим.

Инсондаги сўзлашиш қобилияти туғма ёки кейин шаклланиши бора-

манзараси”дан тушунча сифатида фарқ қилади. Дейлик, олам манзараси деганда, замон ва маконни тушунсак, оламнинг лисоний манзараси деганда, инсоннинг мана шу замон ва маконга бўлган муносабатини тушунамиз. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар битта инсон оламни ўзининг илк сўзи талафуз қилган, илк сўзларни эшитган она тили, таъбир жоиз бўлса, она маданиятидан келиб чиқиб англайди. (“Агар Ньютон инглизча гапириб,



© Рашид Галиев олган сурат.

сида ҳам кўп эҳтимоллар мавжуд бўлса-да, дунё олимлари умумий хулосага келмаган. Шунга қарамай, инсонда нутқ билан таъминланган қўлиб “миллийлик” деймиш. Демак, фарзандларимизни бошқа тилни яхшироқ ўргансин, дея рус, инглиз тили боғча ва мактабларга топшириш улардаги миллий тушунчаларга ҳам жиддий таъсир кўрсатмай қолмайди. Бугун ёшлар орасида миллатимизга ёт бўлган айрим иллатларнинг илдизи отиш негизи, тарихимизга, қадриятларга нисбатан беписандлик илдизи эҳтимол мана шу ерда ётгандир...

Бир сўз билан айтганда, тилнинг қиммати, бекиёс шарафи, улуғлиги биз учун юксак вазифалар ҳам туғдиради. Улардан яна бири олий неъмат — тил олдидаги жавобарлик. Мантиқан қараганда ҳам нима

қиммат, бебаҳо ҳисобланса, у асраб-авайлашни, муҳофазани талаб қилмайди? Ахир бежиз бир миллат ўзга миллатни босиб олса, аввало, унинг тил ва маданиятини йўқотишга уринмаган. Тилни асраш — миллатни асраш, тилни ривожлантириш — миллатни ривожлантириш демак. Шунинг учун тил ва маданиятимиз билан боғлиқ муаммолар, камчиликларни яширмасдан рўй-рост гапириш, уларни вақтида ҳал қилиш зарур. Бу ишни ўзимиз қилмасак, биз учун бошқа биров бажармайди.

Яна бир долзарб масалага эътиборингизни тортмоқчиман. Шоир бобомиз Турди Фароғий ёзади:

Тор кўнглиги беклар, “ман-ман” деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бовли ўзбек эли бу, тенглик қилинг.

Мисрадан кўриниб турибди — “ўзбек” номи билан бирлашган халқ узоқ тарихий тараққиёт таъсирида, қўлпал уруғ ва қабилаларнинг бирикүвидан ташкил топган. Бу эса XII-XIV асрларни ўз ичига олади. Бироқ бунда битта аниқлик киритилиши керак бўлган нуқта бор. Биз халқнинг ёшани ҳар доим ҳам унинг номи билан боғлашимиз хато. XII-XIV асрлар халқимиз ёшани эмас, номининг ёшани ифода этди, холос. Айнан мана шундай ҳолатни тилимиз билан ҳам кўришимиз мумкин. Айрим ўқув қўлланмалар ва интернет манбаларга қарасангиз, ўзбек тилининг вужудга келиш (айрим манбаларда шаклланиши) даври сифатида XI-XIX асрлар кўрсатилганига гувоҳ бўламиз. Тўғри, бундан фарқли тахиллар йўқ эмас. Хусусан, филология фанлари доктори, профессор Насим Раҳмонов “Минг йиллик, туман кунлик битигим” мақоласида қадимий туркий-рун ёзувини ўзбек тилининг тарихий илдизи сифатида эътироф этиб, тилимизнинг асл ёшани милоддан аввалги III асрдан ҳам илгарироққа олиб бориб тақайди. Фикрини асослаш учун Урхун-Энсай обидаларидан топилган Элетмиш билга хоқон битик тоши ва Моюн чур битик тошини далил қилиб кўрсатади. Қўйда мақоладан парча келтираман:

“Элетмиш битига хоқон битик тошида бундай маълумот бор: “Bing yild tuman kunluk bitigim, balgumin bunta yasi tashqa yaratdim, tolqu tashqa toqtidim”.

Моюн чур битик тошида ушбу маълумот айнан такрорланади. Мана шу икки парча қадимий туркий тил замида ётан ўзбек тилининг милоддан аввалги III асрдан ҳам илгарироқ шаклланишига ишончи, айни пайтда муҳим тарихий далил сифатида эътироф этилиши керак”.

Мақолада битик тошидаги сўзларнинг фонетик ўзгаришларга учраган бугунги ўзбек тилидаги вариантлар ҳам қўлланмади. Бироқ шахсан ўзим ба тикитдаги сўзлар изоҳсиз ҳам тушунарли бўлгани учун уларнинг таржумасини келтиришни лозим топмадим. Энди профессор Насим Раҳмоновнинг ўз фикрини асосламоқчи бўлган иккинчи далилига диққат қилинг:

“Иккинчи далил — бошқа халқларнинг тарихий манбаларида қадимий туркий тил ҳақида сақланган маълумотлар, қадимий туркий тилга оид матн парчалари ҳам ўзбек тилининг тарихий илдизи ҳақида сўз юритишга хизмат қилади...”

Мақола 2019 йилда эълон қилинганни эслатиб, шу миллатнинг фарзанди, мана шу тилнинг бир эгаси сифатида менда савол туғилади. Ушбу мантиқий фикр нима учун омалашмади? Эҳтимол, бу борада қандайдир изланишлар олиб борилаётгандир-у, мен беҳабардирман. Лекин биз, ёшлар учун асосий ўқув қўлланма бўлиб хизмат қилаётган дарслик китоблардаги маълумотлар истибод давриддан буён деярли ўзгаришсиз туриши ачинарли, жуда ачинарли...

Минг афсус билан ўзимнинг тил ва миллатимиз билан боғлиқ яна бир оғригимни айтиб ўтишим керак, деб ҳисоблайман. Яқинда тил ўрганишда ёрдам бўлиши учун инглиз, рус, турк тилларида сўзлашадиган телеграм гуруҳларга қўшилдим. Қўшиганим зиёли қатлам эмас, ўқувчи, талаба ва ишчилардан иборат оммавий гуруҳ эди. Бунда дуч келган ҳолатим мени лол қилди. Чунки ҳар учала гуруҳда ҳам ҳамма ўз она тили грамматикасига қатъий амал қилар, вергул, сўроқ белгиларига қўллар, имло хатолар деярли учрамас эди. Бизда ҳам шундаймикан? Бугун ижтимоий тармоқларда ўтирган айрим ёшларимизнинг саводсизлигининг олий намунаси бўлиши хат-ёзишмаларини ўқиб тушуниш “алоҳиди мутахассислик” талаб қилаётгани сир эмас-ку? Бунга қачон эътибор қаратамиз, қачон қатъий чоралар қўрилади? Нега она тилимизга бунча эътиборсиз, бунча суст-кашимиз? Нима учун ўзга миллатларда давлатнинг юқори мансабларига сайланиш учун давлат тилини мукамал билиш асосий талаблардан бири ҳисобланади-ю, бизнинг қонунимизда бундай банд йўқ?... 30 йилдан буён тил тарғиботи деганда кўча-кўйлардаги ажнбақча ёзув ва лавҳаларни ўзбекча тилини тушунамиз. Ўзга давлатларда, масалан, француззабон мамлакатлар элчихоналари биргаликда ўтказадиган “Франкофон баҳори” ёки Европа бошида турган “Европа тилини кўни” каби фестивал, катта-катта марафонлар ўтказиш, тилимизнинг тахиллардан ташқаридаги тарғиботи учун ҳам кўпроқ сармоя ажратиш, керак бўлса, тилимизни кўнгли бўлиб ўрганадиган гуруҳларни молиявий рағбатлантириш вақти етмади-микан? Япония ёки Хитойдан келиб Навоийни ўрганаётган, ўзбек тилида бийрон-бийрон гапираётган чет элликларни кўрганимизда ҳайратга тушганимиз бор гап. Лекин улар тилимизга муайян илмий доирадагина қизиқаётгани аниқ. Биз эса бугун тилимиз ва маданиятимизнинг дунё миқёсидаги ўрни, нуфузини ошириш учун унинг чет эллардаги тарғиботига кўпроқ муҳтожмиз.

Пойтахтдан меҳмон бўлиб келган бир дўстим қишлоғимиздаги кўпқари томошасини кўриб: “Мен ҳамма чапдаст, доворак одамларимиз Иккинчи жаҳон уруши даврида ўлиб кетган, уларни факат китобларда ўқиш мумкин, деб юрардим!” деган эди хайрат билан.

Биз асли, дўстим айтмоқчи, Турон даштларида от сурган, дунёнинг тўрт ёнини фатҳ қилган боболарнинг авлодимиз! Биз асли, илму тафаккурга нарвон қўйган, Фарбдан бир одим олдида юрган аждоқларнинг давомчисими! Шундай бўлиб қолиши учун, аввало, тилимиз ва маданиятимизни асрашимиз, нанки асрашимиз, балки ривожлантиришимиз зарур. Токи тил масаласида пала-партишлик давом этар экан, бошқа соҳалардаги камчиликлар барҳам топмайди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Бюрогма Г-1064.
80471 нуҳсада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси
Босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Улуғбек Асроров
Мусаҳҳир: Шероқ Маҳмудов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўза яқини — 00:30 Топширилди — 01:20